ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00405

# “ОҚЧАРЛОҚ ЛИВИНГСТОН” АСАРИДА ТАРИҚАТ МАҚОМЛАРИ ТАЛҚИНИ

**Лайло Фирдавсиевна Ҳасанова**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ричард Бахнинг “Оқчарлоқ Ливингстон” асари тасаввуфий жиҳатдан таҳлил қилинган. Бунда асар сюжетидаги воқеалар тасаввуф мақомларига мос тарзда ифода этилганлиги талқин этилган.

**Калит сўзлар:** тасаввуф, талқин, Ричард Бах, “Оқчарлоқ Ливингстон”, тариқат мақомлари.

# INTERPRETATION OF THE MYSTICAL STATUSES IN THE WORK “LIVINGSTON SEAGULL”

**Laylo Firdavsiyevna Hasanova**
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

## ABSTRACT

This article provides a mystical analysis of Richard Bach's “Livingston Seagull”. It is interpreted that the events in the plot of the work are expressed in accordance with the status of mysticism.

**Keywords:** Sufism, interpretation, Richard Bach, “Livingston Seagull”, mystical statuses.

## КИРИШ

Тасаввуф тушунчасини биз мумтоз адабиёт намуналари орқали таҳлил этишга одатланиб қолганмиз ва ушбу мақолада бироз фарқли равишда жаҳон адабиётининг гўзал намунаси бўлган Аҳмад Отабой таржимаси асосида ўқувчиларга туҳфа этилган Ричард Бахнинг “Оқчарлоқ Жонатан Ливингистон” ривоят-қиссасини тариқат мақомларига мос тушиши нуқтаи назардан таҳлилга тортилган.

Асар мутлоқ мажозий маъно касб этиб, оқчарлоқлар ва уларнинг ўзига хос вакили бўлган Жонатан Ливингстоннинг ҳаётини ҳикоя қилади. Унда акс

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00405

эттирилган манзаралар мумтоз адабиётимизнинг бош ғояси – комил инсон ва бу даражага етиш йўллари хусусида сўзлайди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф” китобида тариқатнинг мақомлари хусусида шундай дейилади: “Мақомат – мақом (манзил, бекат) сўзининг кўплиги бўлиб, соликнинг руҳий-маънавий камолоти босқичларини англатади Абу Наср Саррож тариқатнинг қуйидаги мақомларини қайд этган:
1. Тавба; 2. Вараъ; 3. Зуҳд; 4. Фақр; 5. Сабр; 6. Хавф; 7. Ражо; 8. Таваккул; 9. Ризо.”

## НАТИЖАЛАР

Тавба – биринчи босқич. Худо (мақсад)га етишиш йўлидаги ғов бўладиган жамики нарсалардан юз ўгиришидир. Буни Ричард Бах шундай келтиради: “Аксар оқчарлоқлар учишининг жўнгина қоидалари билан қаноатланади, жиддийроқ парвоз қилишни ўрганишга ўзларини уринтириб ўтирмайди. Қирғоқдан озиққача учиб бориб қайтилса – шунинг ўзи кифоя улар учун. Кўпчиликка парвоз эмас, фақат озуқанинг ўзи зарур, холос. Бироқ Жонатан Ливингстон отлиқ оқчарлоқ учун муҳими парвоз”. Хаёлларимни тўзғитган фикр шу бўлди. Ҳа, бугуннинг, эртанинг, умуман, абадиятнинг гапи бу. Барча замонларда ҳам ўзлигини, бу оламнинг моҳиятини билиш истагидаги кишилар талай бўлган. Мен ўқишга тайёрланиб юрган кезларимда тасаввуф тушунчасининг реал ҳаётдан унчалар ҳам узоқда эмаслигини англаганман. Бахнинг оқчарлоқларидек балиқлар ва нон қолдиғидан ҳам юксакроқ ўй-хаёллар борлигии англаганим шу даврга тўғри келган. Демоқчиманки, ўз кучга ишонган ҳар бир кишида, аввало, мақсадга етишиш йўлида ғов бўладиган барча нарсалардан кечиш биринчи босқич бўлади.

Иккинчи босқич вараъ босқичи. Бу парҳез, тақво босқичи бўлиб, маънавий зарар келтирадиган шубҳалардан сақланишни назарда тутади. Отасининг насиҳатлари билан омма оқчарлоқларнинг ҳаёт тарзига қайтган Жонатаннинг хаёллари: “Шунча вақтни мен парвоз сирларини ўрганишга сарфласам бўлар эди. Ахир ҳали қанча нарсани билишим керак!”. Бу вараъ босқичига кўтарилган соликнинг икрори эди. Буни мен ҳамма нарсадан: уйқудан, ўйин-кулгидан, хуллас, дунёнинг бутун лаззатларидан кечиб, муайян мақсадни кўзлаган кишилар тимсолида кўра олганман. Зуҳд босқичи ҳам шунинг узвий давоми сифатида тушунилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00405

Мақсадга эришишнинг энг муҳим босқичларидан яна бир сабрдир. Қийинчиликлардан шикоят қилмаслик – асосий маслак саналади. Оқчарлоқнинг юксакка парвоз этишида дуч келган қийинчиликларидан қўрқмай, нолимасдан шаҳдам қадамлар билан интилиши асар давомида ўқувчини ўзига ром этади. Реал ҳаётда эса “Сабрнинг таги сариқ олтин” деган нақлга риоя қилган киши, албатта, кўзланган манзилга етиши тайинлигидан далолат қилади.

“Хавф – қалбнинг ишончдан, имон аминидан чиқиши, иккиланиш, таҳлика. Вақтинчалик шайтон найранги ҳам кўнгилга хавф қўрқув солади. Солик азобдан эмас, балки макрдан нафс макридан қўрқади”, деб изоҳлайди Нажмиддин Комилов. Биз буни қаҳрамонимиз оқчарлоқнинг хатти-ҳаракатдлари мисолида кўриб ўтамиз. Муайян даражага эришган Жонатанга бироз муваффақиятсизлик қуйидаги қарорни беради: “Барчаси бекор. Мен оқчарлоқман. Қисматим – имкониятимнинг чекланганидан. Тез учиш ва парвоз санъатиини мукаммал эгаллашим учун, аслида, туғилганимдаёқ танам шунга мос сифатларга эга бўлиши лозим эди, ўшанда ақлим ҳам шуни тақозо этадиган даражада ишларди”. Ҳа, бу хавф мақомига эришган оқчарлоқнинг қалб нидолари эди. Эҳтимол, сиз ҳам бирор мақсадга эришишда ярим йўлда шу каби кечинмаларни бошда кечирган бўлсангиз ажаб эмас.

Ражо – келажакда мақсадга етишга умидворлик, хавфдан қутилиш умиди. Тун қўйнида учиб бораётган оқчарлоқнинг туйқусдан паришон хаёлларини тарқатиб юборган фикри: “Дарҳол қирғоққа туш! Ҳеч қачон оқчарлоқлар қоронғи зулматда учган эмас! Бунга туғма қобилият керак!”. Бу уни ражо мақомига кўтарди. Янгидан куч берди. Янги иқрор берди: “Мана парвознинг сири қаерда! Қирғийнинг калта қанотлари! Жумбоққа жавоб шу! Шу қадар ахмоқ бўламанми?! Ахир, қанотни калтароқ қилсам, кифоя эди-ку!..”. Шу тариқа Жонатан “... қониқиш ҳисси қувончидан вужуди енгилгина титради, ботинидаги қўрқувни енга олганидан ғурурланди” ва мақсади сари яна олға кетди. Бу ҳис сизга ҳам бегона эмас назаримда. Халқ нақлидан “Кўз қўрқоқ, қўл ботир” шунинг ҳосиласи бўлса не ажаб.

Таваккул босқичи барча ҳолларда ва амалларда Аллоҳга суяниш, Худодан ўзга нарсаларнинг барчаси Худодан эканлигига ишониш. Инсон жуда кўп нарсаларни қила олади, аммо бу ҳаракатларнинг бари Улуғ Тангри қудрати туфайли, қудратининг намоён бўлиши эканини англаш шарт. “Ҳар қандай тўқнашув эса бир лаҳзада кечадиган ўлим билан якун топиши аниқ. У кўзларини қирт юмди”. Барча яхши ва ёмон ҳодисаларни Тангрининг иши деб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00405

билган киши Худога таваккал қилиб йўлида давом этади ва бу босқични забт этади. Бизнинг оқчарлоқ ҳам бу босқични шундай босиб ўтди.

Ризо босқичи – сўнгги босқич. Бунда қалбдан қабоҳат ва кирлар кетиб, қазову қадар ҳукмига бўйсуниб, нафс ризолигидан чиқиб, Ҳақ ризолигига кирилади. Ричард Бах шундай шарҳлайди: “Жонатан вужуди шаффофланиб, ўзига ҳамроҳ қушлар вужудидан нур тарата бошлаганини кўрди. Шубҳасиз, ботинида у аслича, қолган – ўша ёвқур, кўзларида олов чақнаб турган Жонатан, бироқ танасининг шаклу шамойили ўзгарган”. Устоз Чиангнинг маҳорат дарслари натижасида фикр тезлигида уча олиши ва уни ўзи истаган жойда пайдо бўлишга эришиши тасаввуф адабиётида барча босқичларни босиб ўтган авлиёларнинг, халқ нақл қилганидек, бир пайтнинг ўзида бир неча жойда пайдо бўлиши ҳамда кўз юмиб очгунча инсон тафаккури қабул қила олмайдиган масофаларни босиб олишини эслатади. Қисқача қилиб айтганда, мақсадга эришган инсоннинг ҳолати шу тариқа тасвирланади.

## МУҲОКАМА

Айтмоқчи бўлганим, тасаввуф адабиётини кўп ҳолларда реал ҳаётдан айро тушунча сифатида, унга етишиш оддий омма учун гўё орзу қилиб бўлмайдиган ҳодисадек, баланпарвоз фикрлар яъни рамзий бўёқлар воситасида тушунтириш ҳаракат қилинади. Аммо ушбу китобни ўқиб шунга амин бўлдимки, комиллик тушунчаси ўз олдига муайян мақсадни қўйган ҳар бир киши учун тааллуқли бўлиб, тариқатнинг мақомлари ҳам реал ҳаётдан узилмаган. Кундалик турмушимизнинг бир бўлаги сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

## ХУЛОСА

Буни ўқувчиларга шу тарзда етказиш бу ғояни кенгроқ ёйилишига ҳамда омма қабул қилиши жадаллаштиришга олиб келиши тайин. Бунда Ричард Бахнинг “Оқчарлоқ Жонатан Ливингстон” асари ҳам яқиндан ёрдам беришига ишонамиз.

## REFERENCES

1. Ричард Бах, Оччарлоқ Ливингстон, Т.: “Ўзбекистон”, 2016
2. Мингбоева Д., Тимсоллар тилсими, Т.: “Янги аср авлоди”, – 2007, 180 б.
3. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати, Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00405

4. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари (Ҳамидулла Болтабоев талқинида), Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси дав. илм. нашр., 2008.
5. Жазарий, Тасаввуф сирлари (тўплаб нашрга тайёрловчи Баҳриддин Умрзоқ, Абдумурод Тилав). Тошкент, Мавароуннаҳр, 2000.
6. Жазарий, Тасаввуф сирлари (тўплаб нашрга тайёрловчи Баҳриддин Умрзоқ, Абдумурод Тилав). Тошкент, Мовароуннаҳр, 2000
7. Комилов Н. Тасаввуф, Т.: Мавароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009.